

вого потенциала // Вестник Бурятского государственного университета, 2010. - №4. - С.41-45.

11. Лобанов Н.Я., Невская М.А. Развитие методов экономической оценки минеральных ресурсов // Записки горного института, т. 201.- Санкт-Петербург, 2013. - С. 55-58.

12. Немчинов В.С. Экономика и математические методы. – М.: Наука, 1995.

РЕЗЮМЕ

Маколада фойдали қазилмаларни иктисодий баҳолаш методлари ва тузилиши ўрганилган. Минерал хом ашё таркиби имкониятлари ўзгарувчан ташки ва ички омиллар таъсирида трансформацияга учрайди. Инновацион ривожланиш минерал хом ашё захираларини қайта ишлаш техникаси ва технологиясини такомиллаштириш имкониятларини беради.

РЕЗЮМЕ

Структура минерально-сырьевого потенциала трансформируется под воздействием изменяющихся внешних и внутренних факторов инновационное развитие даёт возможность совершенствовать технику и технологии по переработке минерально-сырьевых ресурсов.

SUMMARY

The article is devoted to the study of methods and structure of economic evaluation of mineral resources. The structure of mineral-primary potential is transformed under the influence of changing external and internal factors. Innovative development gives opportunities to improve technics and technologies in reprocessing of mineral-primary resources.

Ruwqiyliq tiykarlari, tariyx, huqiqatanıw, din tanıw

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАНБАЛАРИДА МУХАММАД ТАРАҒАЙ АНТРОПОНИМИНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ ВА СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Х.Жабборов – ўқитувчи

Н.Мўминова - ўқитувчи

Қариши давлат университети

Таянч сўзлар: антропонимика, антропонимия, антропоним, темурийлар даври, тарихий манбалар, Мухаммад Тарағай, Тўра, Тўрағай.

Ключевые слова: антропонимика, антропонимия, антропоним, период темуридов, исторические источники, Мухаммад Тарағай, Туры, Турағай

Key words: anthroponymics, anthroponymy, anthroponyms, period of Temurids, historical references, Muhammad Turagay, Tura, Turagay.

Ўзбек антропонимлари бир неча асрлар давомида аждодларимиз томонидан яратилган бўлиб, улар бизга тарихий-лисоний бойлик сифатида етиб келган маданий ва маънавий исмлар мажмуидир. Исмларда ўзбек халқининг ўтмиши, орзу-интилишлари, ижтимоий, диний-фалсафий қарашлари, урф-одатлари акс этади.

Собиқ Шўро даврида Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби буюк мутафаккирлари ва саркардалари билан жаҳонга танилган ўзбек халқи тарихи ва маънавий қадриятларига етарлича эътибор берилмади. Ачинарлиси, жаҳон тарихида салмоқли ўрин тутган ва ўз даврида халқаро муносабатлар марказида бўлган Амир Темурдек буюк тарихий шахснинг фаолиятини ёритиш таққилаб қўйилди. [1:82]. Амир Темур, Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон, Тимур, Темурбай, Темурбек, Темурхон, Темурбей исмлари билан дунёга донг таратган ўрта асрнинг буюк давлат арбоби, марказлашган кучли давлат барпо қилган енгилмас саркарда, илм-фан, маданият ва маърифат ҳомийининг тарихий хизматлари унутилишга маҳкум этилди. Аксинча, у Тамерлан, Тамурлан, Темурлан, Тамерланг, Оқсоқ Темур лақаблари билан ҳақоратланди, камситилди. Лекин ўзбек халқи аждодлари, баҳодирларини унутмади, хамиша юрагида, қалб тўрида сақлади [2:5-6].

Амир Темур ҳақида юзлаб асарлар яратилди. Бироқ ҳозиргача ўзбек тилшунослигида Темурийлар даври манбаларидаги ономастик бирликлар, антропоним, этноним, гидронимлар бўйича махсус лингвистик тадқиқотлар олиб борилмади. Мустақиллик шарофати билан бундай чеклов ва тақиқларга чек қўйилди. Истиқлол даврида Темурийларнинг тарихи, уларнинг исмлари бўйича тадқиқотлар олиб бориш учун имкониятлар пайдо бўлди. Ушбу йўналишда тилшунос олим Н. Хусанов «XV аср ўзбек адабий ёдгорликларидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари» мавзусидаги докторлик иштини ҳимоя қилди. Ушбу тадқиқоти натижалари «Ўзбек антропонимлари тарихи» номи билан монография ҳолида нашр этилди. Н. Хусанов таъкидлашича, Амир Темур ҳақида юзлаб асарлар яратилган бўлса-да, у ва авлодлари исмлари етарлича ўрганилмаган [3:76].

Тарихий ва замонавий антропонимлар генезисига кўра, тилнинг энг қадимий, яшовчан ҳамда турғун қатламларидан биридир. Н. Хусанов «Ўзбек антропонимлари тарихи» монографиясида «тарихий исмлар» тушунчасини конкретлаштириш ва тарихий номлар мажмуини замонавий исмлар фондидан фарқ-

лаш, чегаралаш масаласини ўртага қўяди [4:82].

Таниқли олим Ҳамидулла Дадабоев ҳам Темурийлар антропонимияси, Амир Темурнинг саркардарлик фаолияти, ҳарбий маҳорати, даврдошлари ҳаёти ва уларнинг билан шугулланади. У «Амир Темурнинг даврдошлари» номи лугат нашр эттирган [5]. Амир Темур аждодлари ва авлодлари, даврдошлари антропонимлари таҳлиliga бағишланган. Ушбу лугат кенг китобхонлар оммаси ва темуршунослар учун қимматли илмий-амалий аҳамиятга эгадир.

Сўнгги йилларда ўзбек тилшунослигида ономастик бирликларнинг тарихий ва бадий матнлардаги хусусиятлари бўйича жиддий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишда Д. Анданиёзова «Бадий матнда ономастик бирликлар лингвистикаси» [6] мавзусида номзодлик ишини муваффақиятли ҳимоя қилди. У номлар бадий тадқиқи ҳамда терминология масалалари бўйича бир қанча мақола эълон қилди. Д. Худойберганова ва Д. Анданиёзова чоп эттирган «Ўзбек тили поэтонимларининг изоҳли лугати» [7] ҳам бу соҳага қўшилган муҳим тадқиқотлардан бири бўлди. Унда тарихий ва бадий асарлар матнлари таркибида поэтик мақсадларда ишлатилган тарихий ҳамда замонавий антропонимлар лексикографик таҳлил қилинган. *Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур, Мирзо Бобур, Буқаламун* (Амир Темур хуфясининг лақаби), *Илдириш Боязид, Маждиддин, Улуғбек Мухаммад Тарағай* каби антропонимларнинг лингвистик хусусиятлари изоҳланган. Тилшунос Х. Жабборов («Тарағайми, Тўрағайми, Тўрғайми», «Тарағай топоними») [8:28] ва Н. Шодмонова («Темур тузуқлари»да номлар ва атамалар») [9:85-87] ҳам антропонимлар тадқиқи бағишланган мақолалар эълон қилган.

Ўзбек тилшунослигида темурийлар даври антропонимлари – темурийлар сулоласи, даврдошлари исмлари мажмуаси, исм қўйиш одатлари, исмлар маънолари, уларнинг лексик қатламларининг лингвистик тадқиқи этилиши, ўша давр тили, тарихи, маданияти, маънавияти тўғрисида қимматли маълумотлар бериши шубҳасиздир. Истиқлол даврида Амир Темур фаолияти, адолат учун курашдаги мислсиз хизматлари, темурийлар даври тўғрисида жуда кўплаб асарлар – номалар, бадиҳалар, романлар, қиссалар, драмалар ёзилди. Бу асарларда уларнинг исми, отаси, қавму қариндошлари исмлари келтирилади. Амир Темур сулоласи, даврдошлари исмларисиз бу асарларда қаҳрамонлар шахси номаълум, асар мазмуни мундарижаси ғариб ва тушунарсиз бўлиб қолади. Шундай сабабларга кўра ҳам темурийлар даври

тарихига оид антропонимлар чуқур ўрганилиши тақозо этилади. Биз ҳам мазкур тадқиқотимизда Темурийлар даврининг бирламчи ёзма манбалари ва мустақилликдан сўнг яратилган тарихий, бадий асарлар, лингвистик, этнографик изланишлар асосида Соҳибқирон отасининг исми, унинг луғавий маъноси, турли шаклларда қўлланилиши, исмининг танланиши тамойилларини аниқлашга ҳаракат қилдик. Дастлаб, «Тарағай» сўзининг маъноси, ясаиш асосига эътибор қаратамиз. Номнинг ёзувдаги Тарағай, Турағай, Тўрғай шакллари маънолари хусусида фикр юритамиз. Тарихий, лингвистик ва этнографик ҳамда жуғрофий манбаларга таяниб бу мавзуда бизгача билдирилган фикрларни қараб чиқамиз.

Тарағай антропонимининг қўлланилиши ва семантикаси ҳақида шу давргача бир неча талқинлар бор. Улар қуйидагилар:

1. Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида соҳибқирон отасининг исми амир *Тарағай*, *Тарағайбек* шаклида ёзилган: «*Нечукким, Пайгамбар салли Аллоҳи алайҳа васаллам* айтиб турурлар: «Ва инна салоҳар-ражули...» ҳадисининг маънисини ҳазрат соҳибқироннинг отаси шаъни турурким, амир Тарағай дейур. Тарағайбек уламо ва сулаҳо ва муттақийларга мушфиқ ва меҳрибон эрди ва буларнинг мажлисида борур эрди» [10:12].

Темурбекнинг отаси Амир Тарағай ҳақида деярли маълумот сақланмаган. Фақат, у Мовароуннахрнинг йирик ва бадавлат бекларидан экани, сиёсат ва ҳарб ишларига аралашмагани, диндор мусулмон бўлганини биламиз.

2. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримкул Қодиров илмий-бади шаклида ёзган «Амир Темур сиймоси» номи романида соҳибқирон отасининг исминини «Тўрғай» деб ёзиш ҳолларини танқид қилиб: «Сўнгги асрларда пайдо бўлган баъзи китобларда Тарағай Баҳодирнинг номи «Тўрғай» деб ёзиш ҳоллари учрайди. Бу ҳеч бир мантқиққа тўғри келмайди. Тўрғай – кичкина сайроқи қуш. Баҳодирлар авлодидан бўлган амирга бундай нисбат бериш тўғри эмас. Туркий тилда Тарағай сўзи «нурдай таралсин, кўпайсин, катта ҳудудларни эгалласин» деган маъноларни билдиради. Тарихдан маълумки бу тилак ижобат бўлади. Шунинг учун Амир Темур суюкли невараси Улуғбекка даставвал Тарағай деб исм қўйган эди», – дейди [12:9].

3. Адабиётшунос олим Поён Равшанов «Темурнома»га ёзган сўз бошисида: «Темур –отасининг ёлғиз ўғли. Ота-ўғил ўн икки йилдан сўнг топилди. Шу ўринда отасининг исми Тарағайми ёинки Турағайми бир мулоҳаза қилсак. «Темурнома»да «т» ҳарфи билан «р» ҳарфи ораллигида «вов» ҳарфи келади. Демак, Турағай деб ўқилади. Одатда ўзбекларда баъзи оилаларда ёлғиз бола кўриш солув бўлади. Баёнқули амир Турағайдан «яна бошқа ўғлинг борми» – деб сўрайди: Амир унга «йўқ» деб жавоб беради. Амир Турағайнинг ўзи ҳам ёлғиз ўғил эмасмикин. Турағай – турақол, яшайқол маъносига эмасмикин. Масалан Тўхтамиш, Тўхтасин сингари исмлар ҳам аслида шу мантқидан келиб чиқиб қўйилади-ку?! Китоб, Шаҳрисабз, Чироқчиға яқин тоғлиқ маъво ҳозирда ҳам Тарағай қишлоғи [13:22] деб юритилади.

Тарихий асарларда деб, – ёзади П. Равшанов – Муҳаммад Тарағай ҳақида маълумотлар жуда кам. Туғилган йили, сипоҳийлиги ёки амирлиги ҳақида далиллар учрамайди. Ҳатто, унинг исми фақат «Тарағай» тарзида зикр этилиб, кўпинча «Муҳаммад» унутилади. Биргина Фасиҳ Хавофий «Муҳаммад Тарағай» деб кўрсатади. В.В. Бартольд: «Темурнинг на отаси, на бобоси акалли ўзи туғилган шаҳри ҳаётида ҳам кўзга ташланарли иштирок этмаганлар, Темурнинг бобоси мусулмон бўлганлиги ҳам номаълум», – дейди. Бу сўзлар юқорида келтирилган Қарочор нўннинг ислом динига муносабати билан қиёсланганда олимнинг хулосасида ҳолислик даражаси пастлиги аён бўлади [14:30].

4. Можор олими Ҳерман Вамберининг ўзбек тилида чоп этилган «Бухоро ёҳуд Мовароуннахр тарихи» китобига «сўзбоши» ёзган ёзувчи Тохир Қаҳҳор рус ва ўзбекча китобларда Темур отасининг исми Тарағай, деб нотўғри ёзилаётгани, у Тўрғай эканини таъкидлаб:

«Темурнинг отаси Турғай (бидбилдик) барлос уруғининг бошлиғи эди», – дейди. Фикрини изоҳда давом эттириб: «Вайлнинг ўқиганича Тарағай эмас «Отец его Турғай (перепелъ) был главою Берлас... Не Тарағай, как читает Вайл). Ҳақиқатан Вамберининг фикри тўғри. Чунки Тарғай, Тарағай сўзининг маъносини шундай деб ёзганлар уни изоҳлашни унутганлар... Вамбери ҳам бу ерда нега Тўрғайлигига изоҳ бермаган» [15:6-7]. Ёзувчи Вамбери фикри тўғрилигини ота-боболаримиз исломдан илгари ном қўйилишидаги то-темлар, қушлар, ҳайвонлар номи билан боғлиқ бўлганини кўрсатади.

Тилда ҳар қандай ном аввал сўз шаклида намоён бўлади. Хўп, «Тўрғай» қандай сўз? Бу сўздан ясалган номлар учрайдими? «Тўрғай» сўзининг маъноси «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да: 1. Чумчуксимонлар туркумининг бир оиласига мансуб кичкина сайроқи қушларининг умумий номи, Дала тўрғайи. Қора тўрғай. 2. Ўзбек халқ классик қуйларидан бирининг номи», – дея изоҳланади.

Кичиккина қуш ё куй номи соҳибқироннинг отасига исм сифатида қўйилиши, назаримизда ўзини оқламайди. Исм қўйиш маданияти темурийлар даврида шарқона урф-одатларимиздан бири экани, унда орзу-ҳавас, мақсад ҳамда эзгу-ниятнинг намоён бўлишини ўйлаб кўрсак, бу исм Тўрғай эмаслиги ишончлироқдир. Йигирма ёшида фарзанд кўрган Бобур ўғлига нега Хумоюн, деб исм қўйганини эслайлик.

5. Академик Абдулаҳад Муҳаммаджонов «Темур ва Темурийлар салтанати» номи тарихий очеркида: «Тарих китоблари ва дарсликларда Амир Темурнинг отаси Тарағай номи билан тилга олинади. Аммо бу исм ҳеч қандай маъно англатмайди. Фикримизча, унинг исми Тўрғай Баҳодир бўлган. Қадимги туркий удулға кўра, тўнғичига ўғил кўрган ота хушхабарни эшитгач, ташқарига шошилган. Атрофда илк бор кўзга ташланган нарсаси хоҳ у жонзод, хоҳ буюм бўлсин фарзандининг исмини уша нарсаси билан атаган. Амир Темур отасининг исми ҳам тўрғай (қуш) номидан бўлса керак. Соҳибқирон Темурнинг набираси Улуғбекнинг исми –шарифи ҳам Муҳаммад Тўрғай бўлган. Шундай фикр Ҳермон Вамбери асарида ҳам қайд этилган», – дейди [16:7].

6. Жой номлари бўйича йирик олим, профессор Тўра Нафасов «Қашқадарё қишлоқномаси» номи китобида Тарағай топонимини қуйидагича таҳлил қилган: «*Тарағай* – Чироқчи туманидаги қишлоқ. Ўзбек халқи таркибига кирган уруғлардан бири – *тарағай*. Шаҳрисабз туманининг Бошқоп қишлоғида *тарағай* уруғи вакиллари яшади. Темурийзода Мирзо Улуғбекнинг болалик исми *Муҳаммад Тарағай*. Улуғбек – тахаллуси. *Муҳаммад Тарағай* исмида ҳам *Тарағай* сўзи шажаравий нисба вазифасида. *Тарағай* – барлос қабили таркибигаги уруғлардан бирининг номи. Шу боис исмининг сўнгги қисми бўлиб келган *Тарағай* исми уруғ номидан олинган. Уруғ номига асос бўлган сўз мўғул тилида *толғой/тўлғай/ тўлғай* – бош; раҳбар, бошлиқ, хўжайин, сардор, раҳнома, юқори нукта, тоғ чўққиси» [17:240-241].

Олим Тарағай топонимини туркий тиллар билан қиёслаб, келиб чиқишини илмий жиҳатдан асослаша ҳаракат қилган. Қирғизистоннинг Норин дарёси бошида *Тарағай* дараси бор. Мўғулистон ва Қозоғистонда *Талағай* – тоғ номи. Сўз ўзагида р, л товушлари фарқланади, аслида иккаласи бир сўз. Қирғиз тилида *Тарағай* – тоғнинг дарахт ўсмаган жойи, қозоқ тилида *талағай* – тепа, баландлик, чўққи маъноларини билдиради. Ўтмишда ўзбек тилида тоғ маъносини англатишини аниқлаган. Негадир Т. Нафасов соҳибқирон отасининг Тарағай исми ҳақида фикр билдирмайди.

Интернетдаги YKt.ru сайтидан олинган маълумотда Тарағай антропонимининг илгари исм бўлгани, кейин қишлоқнинг исмига лақаб тарзида қўйилгани айтилади: «У якутов много людей с прозвищем ТАРАГАЙ. А раньше имена были. Например, Тарагай Кирилээн, который зарезал 7-х казаков сборщиков ясака. И его дело закончилось совсем уж интригующе» [18].

Кузатишлар ёзма манбаларда амир Муҳаммад Тарағай исми: *Тарағай баҳодир, Тўрағай, Тўрағай, Тўрағай, Тарағайбек, Амир Тарағай, Тўрағай Баҳодур* шаклларида қайд этилишини кўрсатди. Юқорида бу сўзнинг маъноларига доир мулоҳазалар билан ҳам танишиб чиқдик. Улар орасидан бу сўзнинг бош, бошлиқ, Поён Равшанов таъкидлаган турақол, яшайқол маъноларини англатиши эътиборимизни тортди.

Иш жараёнида М. Кошғарийнинг «Девону луғотит турк», Алишер Навоий асарлари бўйича тузилган луғатлардан ҳам *тарағай* сўзи маъносини ахтардик.

«Девону луғотит турк»да *тура* лексемаси учради. У қалқон маъносини англатиши ёзилган. *Тура қалқан* – душмандан сақланиш учун ёпинчик ўрнида қўлланадиган қалқон, сипар. *Тора* (ингичка о устида икки нуктаси билан) – тўр, уйнинг тўри, юқориси. Бу сўз *тор* шаклида ҳам қўлланади [19:240].

Алишер Навоий асарлари учун тузилган луғатда *тура* лексемасининг тўрт маъноси қайд этилган. Биринчи маъноси: *тура* – хон авлодига мансуб киши, хонзода: *Тура барча қўллоб ила банду баст, Камин айлабон кейинда аҳли шаст* (Сади Нисқандрий). Иккинчи маъноси: *тура* – одам бўйи баравар келадиган қалқон; қадимги урушларда ишлатилган тўсик: *Миср отлиг мулозимларга буюрган эрмишларки, чопар ва тура учун эшиклар йиғиштургай* (Насойим ул-муҳаббат). Учинчи маъноси: *тура* – қоида, қонун, интизом, одат: *Тура бирла бош уруб тут хонга, Сарқутни бер мени бесоманга* (Хазойинул маоний). Тўртинчи маъноси: *тура* – ўрамоқ, ихота қилмоқ: ... *Бу умматда аларнинг камоли суварий ва истикмоли*

маънавийлари жоме нияти била тўрамамиш бўлғай (Насойим ул-муҳаббат) [20:269-270].

М.Кошғарий луғатидаги *тура қалқан* – душмандан сақланиш учун ёпинчик ўрнида қўлланадиган қалқон; Алишер Навоий асарларидаги *тура* – хон авлодига мансуб киши, хонзода маъноларини англатишини ҳисобга олсак, Амир Темур отасининг исми Тўрағай бўлиб чиқади. Бу антропоним ТУРА сўзидан ясалган. Бошқа луғатларда ҳам *тура* – юқори табақага мансуб кишини англатиши кўрсатилган. Бу сўз ҳурмат юзасидан кишилар номи, унвони, мансабига қўшиб айтилган. Ҳозирги ўзбек номшунослигида Тўра атоқли отидан Тўрамурод, Тўракул, Тўраҳон, Тўра Тўраевич каби номлар пайдо бўлган. Бу исмлар ота-оналар томонидан фарзандларига муносиб ном сифатида қўйилапти. Соҳибқирон отасининг исми ҳам худди улар каби Тўрағай бўлгани бошқа талқинлардан кўра, ҳақиқатга анча яқинлашади. Демак, *тура* – исм, ғай – от ясовчи қўшимча. Қарчиғай, қарағай, қапчиғай ва улар каби бошқа бир қанча отлар ҳам Тўрағай сингари ясалган.

Шундай қилиб, Амир Темур отасининг исми Тўрағай ва Тўрағай алоқаси йўқ, у ТУРАҒАЙдир. Уни Тўрағай Баҳодир десак, тўғрироқ бўлади. Балки бу борада ҳали бошқа мулоҳазалар ҳам билдирилар. Бизда тадқиқот жараёни хануз давом этаёттир. Исмларни халқ яратади. Ҳар бир исмда шу халқ тафаккури, тарихи, урф-одатлари ва анъаналари акс этиб туради. Исмлар ўзлгимизни осонроқ ва тезроқ англашимизга беминнат кўмак беради.

Адабиётлар

- 1 Ўзбекистон қарамлик ва мустақиллик йилларида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
- 2 Амир Темур – Ғафуримиз, ғуруримиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
- 3 Хусанов Н. XV аср ўзбек адабий ёдгорликларидagi антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари: Филол. фан. д-ри. ... дисс. – Тошкент: 2014.
- 4 Хусанов Н. Ўзбек антропонимлари тарихи. Наврўз, 2014.
- 5 Дадабоев Х. Амир Темур даврдошлари. Тошкент: Навоий университети, 2018.
- 6 Анданиёзова Д. Бадиий матнда ономастик бирликлар лингвостатистикаси: Филол. фан. фалс. докт. ... дисс. Тошкент, 2017. Ўша муаллиф. Ономастик бирликларнинг бадиий матндаги ўрни // Ўзбек тили ва адабиёти, 2014, 5-сон, 75-79-бетлар; Ономастик терминологияси масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2015, 6-сон, 16-21-бетлар
- 7 Д. Худойберганаева, Д. Анданиёзова. “Ўзбек тили поэтонимларининг изоҳли луғати. Тошкент: Турон замин зиё, 2016.
- 8 Жабборов Х. Тарағайми, Тўрағайми? // Ёш куч, 1993, 1-2-сонлар, 22-бет; Тарағай топоними // Тил ва адабиёт таълими, 2019, 9-сон, 28-бет.
- 9 Шодмонова Н. “Темур тузуқлари”да номлар ва атамалар// Ўзбек тили ва адабиёти. 2011, 5-сон, 85-87-бетлар.
- 10 Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. Форс тилидан эски ўзбек тилига Муҳаммад Али ибн Дарвеш Али Бухорий таржимаси. Сўз боши ва изоҳлар муаллифи А. Аҳмедов, Х. Бобобеков. Тошкент: “Шарк”, 1997. –Б.12.
- 11 Пиримқул Қодиоров. Амир Темур сиймоси. Тошкент: Ўзбекистон. 2007, 9-бет.
- 12 Салоҳиддин Тошқандий. Темурнома (Амир Темур Кўрагон жангномаси). Нашрга тайёрловчи, сўзбоши, луғат муаллифи П.Равшанов. Тошкент: “Чўлпон”, 1990.
- 13 П.Равшанов “Амир Темур сулоласи”. Тошкент: Янги аср авлоди, 2014.
- 14 Херман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.
- 15 Муҳаммаджонов А. Темур ва Темурийлар салтанати. Тошкент: Комуслар Бош таҳририяти, 1996, 7-бет..
- 16 Нафасов Т. Қашқадарё кишлоқномаси. Тошкент: Мухаррир, 2009, .240-241-бетлар.
- 17 YKt.ru сайти.
- 18 М. Кошғарий. Девону луғотит турк. Уч томлик, 3-томлик: 3-том. –Тошкент: Фан, 1963, 240-бет.
- 19 Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 3-том. –Тошкент: Фан, 1984, 269-270-бетлар.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Темурийлар даври тарихига оид манбаларда соҳибқирон отаси исмининг қўлланиши, исмининг семантикаси, исмининг турли шаклларида қўлланиши ҳақида сўз боради. Соҳибқирон отасининг исми тарихий ва лисоний манбалар асосида Тўрағай ҳам, Тарағай ҳам эмас, Муҳаммад Тўрағай эканлиги асосланган.

РЕЗЮМЕ

В статье на основе разных источников исследуется история периода Тимуридов использование имени отца сахибкيرانа, её семантики использование имени. В разных формах опираясь на исторические и лингвистические источники, автор статьи доказывает, что имя отца сахибкيرانа было не Тургай и Тарагай, а Мухаммед Турагай.

SUMMARY

The article deals with the research of history of Temurid's period the usage of Conqueror father's name, semantic features and various forms of the name Taking into account historical and linguistic sources, the author of the article proves that the Conqueror father's name wasn't Turgay or Taragay but Muhammad Turagay.

ЎҚУВЧИЛАРНИ ЗАРАРЛИ АХБОРОТЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

О.Жамолдинова – педагогика фанлари доктори, доцент

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Таянч сўзлар: узлуксиз тарбия концепцияси, ахборот хавфсизлиги, ахборот муҳити, ахборот маҳсулоти, ахборот олиш кафолатлари, бола ҳуқуқлари, давлат ва нодавлат таълим муассасалари.

Ключевые слова: концепция непрерывного воспитания, информационная безопасность, информационная среда, информационная продукция, гарантия на получение информации, права ребенка, государственные и негосударственные учреждения.

Key words: conception of continuous education, information security, information environment, informational product, guarantees for receiving information, rights of the child, governmental and non- governmental institutions.

Дунё шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги тинчлигига раҳна солиш, ёшлар, айникса, болалар кунда ахборот воситаларидан жамият ривожи ва соғлиғига зиён етказиш, уларнинг онги ва